O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT OB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 13 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 46 (7345)

Da'vat

Босилган қадам — одатга, одат — характерга, характер эса, қисматга айланади.

Уильям ТЕККЕРЕЙ

Ibrat

Таътилда Оролбўйи минтақасидан 20 минг нафар бола Тошкент, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши кўзда тутилган. Яқинда ушбу ҳудуд болаларининг биринчи катта гуруҳи Тошкентдаги соғломлаштириш оромгоҳларида самимий кутиб олинди.

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Яқиндагина Минскда МДҲ, кейин эса Ялтада ГУУАМ давлатлари раҳбарлари саммитларида иштирок этиб, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид талай халқаро масалаларни ҳал этиб қайтган Президент Ислом Каримов 9 июнь куни Қашқадарё вилоятига сафар қилди.

Мазкур сафардан кузатилган мақсадни Президентимизнинг ўзи шундай таърифлади: аввало, қишлоқ хўжалик юмушлари ўта қизғин паллага кирган бугунги кунда меҳнаткашлардан ҳол-аҳвол сўраш, ғалла ўрим-йиғими ва ғўза парваришига оид ишлар билан жойида танишиш, одамларнинг кайфиятидан бевосита бохабар бўлиш.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қамаши туманидаги "Чем" жамоа-ширкат хўжалигида бўлди. Бу ерда у ижарачи Абдимурод Бозоровнинг буғдойзорида деҳқонлар билан суҳбат қурди. Суҳбатда А.Бозоров ўтган йили ўз даласига "Улуғбек-600" навини экканини, лекин бу нав Қамашининг шароитига унчалик мос келмаганини айтди. Шунинг учун бу йил "Уманка" нави уруғлик учун экилиб, синаб кўрилмоқда. Натижа ёмон эмас. Сув нисбатан камроқлигига қарамай, омилкорлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда — ҳар гектар майдондан 52 центнергача ҳосил олиняпти.

Юртбошимиз суҳбат чоғида эътиборни сарфланаётган харажатларни камайтириб, фойда миқдорини ошириш масалаларига қаратди. Бугунги деҳқон фақат меҳнат қилишни эмас, қайси йўл билан кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳам билиши энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир, деди Президент. Бундай пухта ҳисоб-китобни йўлга қўймай туриб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш қийин.

Икки йилдан буён давом этаётган сув танқислиги халқимиз учун ўзига хос синов бўлди, деди Юртбошимиз. Ана шундай мураккаб шароитда қашқадарёликларнинг ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажариши халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда улкан ҳисса бўларди. Айни чоғда, раҳбарлар вилоятда ишни янгича ташкил этиш масаласини янада жиддийроқ ўйлаб кўриши керак. Мисол учун, деди Юртбошимиз, Андижон вилояти деҳқонлари ҳисоб-китобни аввалдан пухта қилади, яъники, камроқ харажат чекиб, кўпроқ фойда олиш режасини тузади ва шунга эришади ҳам. Меҳнатинг самара бераётганини кўриш киши руҳини кўтаради, янгиликларни жорий қилишга илҳомлантиради. Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин, аксинча эса, барча режалар ўлдажўлда қолиб кетади.

Юртбошимиз деҳқонларнинг руҳини кўтаришда иқтисодий манфаатдорликнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Бунинг учун давлатга топширилган ҳосил учун кечиктирмай ҳақ тўлаш зарур. Бугун бир сўмни тежайман, деб эртага миллионлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Қаердаки моддий манфаатдорлик эътиборда бўлса, ўша ердаги ишда самара ва сифат ҳам баланд бўлади.

Деҳқонлар билан суҳбат давомида Юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Қачонгача ҳар йили янги навни синаб кўриш мумкин, деб масалани кўндаланг қўйди Президент. Нега вилоятда ҳалигача истиқболли навлар заҳираси яратилиб, кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган? Уруғнинг тўғри танлангани, агротехниканинг пухта ишлаб чиқилгани туфайли Андижонда гектарига 80 центнергача ҳосил олинаётгани бор гап-ку! Ҳолбуки, Қашқадарёдаги айрим суғориладиган майдонлардан олинган ҳосил ҳам, кўпинча, 30 центнердан ошмаяпти. Бу ҳол қачонгача давом этади?

Президент бу муаммони тезроқ ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Қамаши туманидаги "Чем", Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев жамоа-ширкат хўжаликларидаги пахта далаларида ҳам бўлди. Қийғос гуллаб, кўсак туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди.



Бугун пахтадан фақат юқори ҳосил олиш омилкорликка кирмайди, деди Юртбошимиз. Бу борадаги сарф-харажатларга, толанинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигига ҳам эътибор қилиш зарур.

Президентимиз яқинда сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб республика семинари ўтказилган хўжаликда сув ўлчагич мосламаларни кўздан кечирди. Бу тажрибани бутун мамлакат бўйича ёйиш зарурлигини айтди. Лекин, деди Юртбошимиз, масаланинг яна бир жиҳатини ўйлаб кўриш керак. Ҳозир Қамашида тақчиллик туфайли сув деҳқонларга маъмурий йўл билан ўлчаб берилмоқда. Аммо шундай қилиш керакки, токи, деҳқон сувдан тежаб-тергаб фойдаланса, бундан ўзига иқтисодий наф етишини тушуниб олсин. Шунга ҳаракат қилсин. Айни чоғда, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон берадиган янги технологияларни жорий этишни тезлаштириш, бунда хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Энг муҳим масала моддий манфаатдорликни оширишдан иборат.

Одамлар ишласа ва меҳнатига яраша ҳақ олса, уларнинг тепасида туриб кўрсатма беришга ҳожат қолмайди. Қанча кўп ишласам, ҳаётим шунча яхшироқ, фаровонроқ бўлади, деган фикр одамларнинг онгига мустаҳкам ўрнашиши, қўлини ишга бошқариши керак. Нарсаларнинг, дейлик машинанинг нархини арзонлаштириш билан фаровонликни таъминлаш қийин. Лекин фуқаролар даромадини ошириш орқали фаровонликка эришиш тўғри йўлдир. Барча орзуларимга фақат ҳалол меҳнатим орқали етаман, деган туйғу кишилар дилида устувор бўлса, энг катта бахт шудир. Аксинча, олган пулим қилган меҳнатимга арзимайди, деган фикр туғилишига йўл қўйилса, халқни улуғ ишларга руҳлантириб бўлмайди.

Дунёда жуда оддий бир ҳақиқат бор: берсанг — қайтади, бермасанг — нима қайтади? Одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин. Шунда улар янада яхшироқ меҳнат қилади. Бу йилги қурғоқчилик эса бир синов. Бундай қийинчилик олдида руҳни тушириш бизга ярашмайди.

Шундан кейин Юртбошимиз Қамаши туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. Бу илм масканларининг замонавий биноларини кўздан кечирди.

Коллежларнинг таълим йўналишлари ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз раҳбари йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш масаласини кўндаланг қўйди. Шундай чиройли бинолар қуриб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб, бор-йўғи беш-олтита касбга ўқитиш, узоқни кўра билмасликдир, деб таъкидлади. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳолиси ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгалари тайёрламасдан туриб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди.

Давлатимизнинг сиёсати ҳам шунга қаратилган. Ёшларни кўпроқ касбга ўргатолсак, шундагина ишсизликка чора топамиз, шундагина янада фаровонликка эришамиз. Сизлар, деди давлатимиз раҳбари коллеж раҳбарларига, бу йўлда жуда хайрли иш бошлабсизлар. Фақат бир тилагим — уни охирига етказинг.

Президент Ислом Каримовнинг коллеждаги бошланғич таълим муассасаларига тарбиячилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчи-қизлари билан учрашуви жуда самимий ўтди. Бу учрашувнинг талабалар ёдида умрбод сақланиб қолиши тайин. Буни лингафон билан жиҳозланган кенг ва ёруғ кабинетда сабоқ олаётган қизларнинг гулгун чеҳраси айтиб турарди.

Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишишингизга ишонгим келади, деди Юртбошимиз. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, ўтган умрингдан рози бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан бу дунёда. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, деймиз. Албатта, бу ерда ота-оналар ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутади. Мен Сизларга қийинчиликларни кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг энг буюк орзуим — сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўкисроқ яшашига эришиш. Шу мақсадга эришсам, мен ўзимни жуда бахтиёр деб биламан, ўз ҳаётимдан рози бўламан.

Мамлакат Президентининг ғамхўрлик билан оталарча айтган бундай самимий дил сўзларини эшитган ўқувчилар ҳам эркалик қилишдан ўзларини тийиб туролмадилар. Уларнинг ҳар бири ўз дафтарида давлатимиз раҳбарининг ўз қўли билан битилган дил сўзлари бўлишини хоҳлади. Президентимиз ҳам қизларнинг дафтарларига эзгу тилакларини ёзди. Талабалар билан эсдалик учун суратга тушди.

Сафар ниҳоясида мамлакатимиз раҳбари Қаршида туманлар ҳокимлари, вилоят идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Уларнинг амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги қисқача ҳисоботларини тинглади.

Президент ўз сўзида вилоятдаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилмаганида, деди. Деҳқон топширган ҳосили учун ўз вақтида ҳақини олиши лозим. Жойлардаги раҳбарлар, аввало, ҳокимлар халқнинг кўзига тик қарай олиши учун ҳам деҳқоннинг қонуний ҳақи ўз вақтида тўланиши шарт. Афсуски, бу борада вилоятда ҳали-ҳамон узилишлар мавжуд.

Бундай муаммоларни ҳал этиш сизларнинг биринчи галдаги вазифангиздир, деб таъкидлади Президент йиғилганларга қарата. Шундагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасидаги давлат буюртмалари бажарилишини таъминлаш мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги вазиятнинг таҳлили учта масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Биринчиси — сафарбарлик. Комбайнларнинг бир соат ҳам тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Далада ишлаётганларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этиш, илғорларни доимий равишда рағбатлантириб бориш керак.

Иккинчиси — уюшқоқлик. Ҳосилни йиғиб олиш конвейерида, дала-омбор тизимида бирон узилиш бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ғаллани ташийдиган транспорт воситалари ҳамда омборларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш шарт.

Учинчиси — тежамкорлик. Етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқоли ҳам нобуд бўлмасин. Айниқса, ўғирликка барҳам бериш лозим. Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ва бутун элнинг ризқи бўлган ғалла нопок кимсаларнинг шахсий омборига кириб кетмасин.

Ҳокимлар жиддий ўйлаб кўрадиган яна бир гап сув тақчиллигидан зарар кўрган деҳқонларимизнинг йўқотилган даромади ўрнини қоплаш масаласидир, деб алоҳида қайд этди Юртбошимиз. Янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни ва ишсизларни касб-ҳунарга ўргатиш уларнинг доимий диққат-марказида туриши лозим. Фақат ғалла, фақат пахта ҳисобидан бутун халқни бойитиш қийин. Кичик ва ўрта бизнес ривожлансагина фаровонликка эришилади. Шунинг учун бу борадаги ёрдамни аямаслик зарур.

Қашқадарёдаги учрашувлар қизғин ва самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари воҳа аҳлининг бу йил ғалла ва пахта тайёрлаш борасидаги давлат буюртмаларини ўз вақтида бажариш йўлида самарали меҳнат қилаётганидан мамнуният изҳор этди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.

Дилшод ЮСУПОВ
олган сурат.

O'zbekiston — Vatanim manim!

ХОРАЗМ ОҲАНГЛАР ОҒУШИДА

XXI асрнинг илк йилида Хоразм вилоятида байрамлар байрамларга уланиб бормоқда. 6-9 июнь кунлари Урганч-да умумий ўрта таълим мактаб ўқувчи, ўқитувчи ва тарбиячилари ўртасида "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрами бўлиб ўтди. Яқин кунларда Хоразм вилоятида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтади. Шу йилнинг кузида эса бу ерда қадимий ёзма ёдгорлик — "Авесто"нинг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Хуллас, мустақилликнинг ўнинчи йилида кўҳна ва навқирон Хоразм байрамлар оғушида.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Хоразм — дунёга машҳур алломалар ватани. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Рабғузий, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Огаҳийларнинг киндик қони тўкилган диёрда Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров каби етук санъаткорлар ҳам туғилиб, камолга етганлар, бетакрор санъатлари билан юртимиз довруғини оламга ёйганлар. Оналар ва болалар йилида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрамининг якунловчи босқичи Хоразмда ўтказилгани бежиз эмас.

8 июнь куни Урганчдаги байрамона безатилган Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳиёбонда қўшиқ байрамининг гала концерти бўлиб ўтди. Концерт аввалида сўз олган Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жумабой Ўтамов ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев байрам иштирокчиларини ушбу шодиёна билан қутладилар. Ушбу якуний босқичгача қўшиқ байрами танловида миллионлаб болалар иштирок этганлигини, демак, бу байрам бутун Ўзбекистонни қамраб олганлигини айтдилар. Шундан сўнг улар танлов ғолибларига Фахрий ёрлиқ, рағбатлантирувчи мукофот, эсдалик совғалари ва совринларни топширишди.

НАТИЖАЛАР

Ватан мадҳидаги қўшиқнинг ёмони бўлмайди. Шу сабаб бу ерда ҳеч ким совринсиз қолмади. Таниқли бастакор Муҳаммаджон Отажонов, республика мусиқа мактаб-интернати директори Машҳура Каримова, Санъат институти кафедра мудири Жўра Ортиқов, РТМ мусиқа ва санъат бўлими бошлиғи Дилдора Каримова, Акмал Икромов туманидаги "Ором" боғча-мактаб мажмуаси мусиқа ўқитувчиси Бахтиёр Эргашевлардан иборат ҳакамлар ҳайъати танлов натижаларини эълон қилди:

(Давоми 4-бетда)

МАКТАБДА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Himmat

Яқинда Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан «Қўртқи» ширкат хўжалиги томонидан шу тумандаги 35-мактабга 13 та янги компьютер олиб берилди. Дарҳақиқат, бугун мактабларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш шу куннинг муҳим вазифасидир. Буни тўлиқ англаб етган туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва "Қўртқи" ширкат хўжалиги шу соҳага эътиборни сочмоқда. Мазкур ширкат хўжалиги мактабга 2 қаватли, 180 ўринли боғлаб, 10 га яқин лалар боғчасининг фойдаланишга топшириб, нилмай турган биноларини ажратиб берган эди. Шундан сўнг мактабда 10 га яқин қўшимча синф хоналари, мажлислар зали, стадион ташкил этилди. Мактаб атрофида 2 гектарга яқин қўшимча ер майдонида эса боғ барпо этилди.

Шунингдек, мактабга хўжалик томонидан 10 гектар пахта майдони берилди. Бу ердан ишлаб топилган маблағ ҳам тўлиқ мактаб ихтиёрида бўлади.

О.СИДДИҚОВ,
Андижон вилояти

Respublika o'qituvchilari anjumani oldidan

БУГУН ЖИМ ЎТИРИШ МУМКИН ЭМАС

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида" мавзусида сўз юритилган Тошкент шаҳар биринчи ўқитувчилар анжуманида "Қандай ютуқларга эришдик, қандай муаммоларнинг олдини олдик ёки олиш арафасида турибмиз?" каби саволларга жавоб изладик, қисман жавоб ҳам топдик. Шаҳримизда 26 нафар Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 22 нафар республикада хизмат кўрсатган мураббий фаолият кўрсатаётганлигини эшитганимда, кўнглимда бир ғурур уйғониб, борлиғимни кўтаринки кайфият эгаллаб олди. Зеро, устозини эъзозлаган юртнинг келажаги буюк, истиқболи порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқ. Конференция ўтаётган зални иштиёқ билан кузата бошладим.

Ўқитувчилар орасида эркак ўқитувчилар жуда ҳам озчиликни ташкил қилишию ёшлар бармоқ билан санарли эканлигидан кўнглим бироз хижил бўлди. Эркак устозлар ёмон ишлашаяптими? Унда нега вакиллар орасида камчиликни ташкил қилишаяпти? Ёки мактабларни тарк этишмоқдами? Ахир, ҳар қандай оилада ҳам эркакнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга-ку. Ахир, ота берадиган тарбияни, ота ибратини ҳеч бир она (Қуёшдек меҳрибон бўлса-да) бера олмайди.

(Давоми 2-бетда)

Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз

Ma'rifat

газетасига 2001 йилнинг иккинчи ярими учун обуна давом этмоқда.

Нашр индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

+ Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Бухоро ва Сирдарё вилоятларида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг тегишли модда ва қисмлари ижроси бўйича назорат-таҳлил хулосаси тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди.

+Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи "Human Rights Watch" халқаро ташкилоти АҚШ президенти Жорж Буш Тимоти Маквейга қўйилган ўлим жазосини бир умрлик қамоқ билан алмаштиришини сўраган бўлишига қарамай Оклахома-ситидаги 168 нафар бегуноҳ ўлимига сабаб бўлган террорчини қатл этиш ҳукми ижро этилди.

+АҚШ президенти Жорж Буш Европа мамлакатлари бўйлаб олти кунлик сафарини Россиядан бошлади ва Владимир Путин билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик масалалари хусусида келишиб олишни режалаштирган.

JUMLADA JAHON

+Бельгия суди 1994 йили мамлакатда кечган қирғинбаротлик даврида ҳарбий жиноятларни амалга оширган қуйидаги 4 нафар Руанда фуқароси устидан ҳукм эълон қилди: собиқ транспорт вазири Альфонсе Хиганиро 20 йилга, университет профессори Винсент Нтезимана 12 йилга озодликдан маҳрум этилди; икки роҳиба аёл эса, Руанда жанубидаги ўзлари ишлайдиган монастирга яширинган минглаб қочоқларни жангариларга тутиб берганликлари учун бири 15 йил, иккинчиси 12 йил қамоқ жазосини ўтайдиган бўлди.

+Газо секторидаги вазиятни кескинлаштирган уч аёлнинг ўлими исроилликларнинг Фаластин ҳудудига уюштирган ҳужумлари натижасида юз берди ва кескинликни юмшатиш учун БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Яқин Шарққа ташриф буюриши кутилмоқда.

+Шанхайда бўлиб ўтган Осиё—Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги доирасидаги давлатлар вазирларининг учрашуви Хитой ҳукуматига ижобий натижа келтирди, яъни Пекиннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши учун АҚШ ва Хитой ўртасида келишувга эришилди.

Бугун жамиятимиз учун ёшларга таълим-тарбия беришнинг муҳимлиги, долзарблиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу масъулиятни адо этишда ҳам эркаклар пешқадам бўлмоқликлари лозим.

Олинаётган даромадлар ёрдамида мактаб моддий техника базаси мустаҳкамланиб, ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

БУГУН ЖИМ ЎТИРИШ МУМКИН ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай экан, бугун ўрни бўш қолган эркак ўқитувчилар таълим ва тарбияси ўрнига ўқувчиларга нима бера оламиз. Назаримда, эркакларнинг мактаблардан кетиб қолишлари сабабини таҳлил қилиб, олдини олиш пайти келди. Бу кунги ўқитувчилар олдида қатор муаммолар юзага келган экан, уларнинг ҳеч қайсисини бирор ўқитувчи алоҳида ҳал қила олмайди. Шу важдан эркак ўқитувчиларни, айниқса, йигитларни мактаб деб аталмиш тарбия даргоҳларига жалб қилиш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб, уни ҳал қилиш учун ўқитувчилар бир бўлмоқлиги, конференция ва анжуман минбарлари каби имкониятдан унумли фойдаланмоқлари лозим.

Олти киши маърузага чиқди. Маърузада қўйилган мавзулар ранг-баранг, долзарб. Аммо кўнглимда яна хижиллик. Нега, баҳсда, устозлар баҳсида, келажагимиз тақдири баҳоланаётган, белгиланаётган, яратилаётган баҳсда эркаклар қатнашишмаяпти? Уларнинг айтадиган сўзлари йўқми? Ахир, бугун мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида эркин фикрловчи, келажакни тарбиялайдиганлар орасида юрагида ўт чақнайдиган, кўзи тўла нур эркаклар шу қадар камайиб кетдими?

Ёнимда ўтирган, шаҳримиздаги мактаблардан бирига 25 йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган, 40 йилдан ортиқ умрини ёшлар тарбиясига сарф этган устозни суҳбатга тортдим.

— Ака, нега минбарга чиқмаяпсиз? Шунча йиллик тажрибангиз асосида айтадиган ўз сўзингиз йўқми? — деганимда у:

— Э, ука, гапирадиганлар бошқа, ишлайдиганлар бошқа бўлади. Мен ишлайдиганларданман, — деди.

Мени яна саволлар қийнай бошлади. Балким шу одам ҳақдир. Яхшиси оч қорним, тинч қулоғим қабилида жим юрганимиз маъқул эмасми, деб ўйлай бошладим. Шунда ички бир овоз: "Йўқ, ундай эмас. Бугун жим ўтириш мумкин эмас. Бугун айтилган гап эртага қадрсиз бўлиб қолиши мумкин. Танангдаги тортинчоқлик, эҳтиёткорлик ҳисларини енгишинг керак", деяётгандек эди.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, ҳамиша оғир кунларда, оғир вазифаларни ҳал қилишда эркаклар масъулиятни теран англаганлар. Ватаннинг ҳимояси эркакларнинг кенг елкаларига ортилгани ҳам шундандир.

Бугун жамиятимиз учун ёшларга таълим-тарбия беришнинг муҳимлиги, долзарблиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу масъулиятни адо этишда ҳам эркаклар пешқадам бўлмоқликлари лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда ўқувчилардан "Ким бўлмоқчисан?" деб сўрасангиз дарҳол "Ё юрист, ё солиқ назоратчиси, ё бўлмаса банк ходими" деб жавоб беради. Аммо ўқитувчи бўламан, дейдиганлар кам учрайди. Шу сабаб, мактабларда педагогик синфлар ташкил қилиб, ушбу касбга йўналтиришни жонлантирмоқ лозим. Бу соҳада кўпроқ йигитларни жалб қила олсак, келажак олдидаги бурчимизни шунчалик оқлаган бўламиз. Хулоса шуки, республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманида ўқитувчиларнинг сифатини яхшилаб, сонини орттириш ҳамда бу шарафли соҳага кўпроқ иқтидорли йигитларни жалб қилишдек долзарб муаммони ҳал қилмоқ лозим, деб ўйлайман.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 yilligi oldidan

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

Шу йил 8 июнь куни Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб "Президент асарлари билимдонлари" факультетлараро илмий-маърифий кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов Низомига кўра унда ҳар бир факультетнинг бир нафар ғолиб бўлган талабалари иштирок этдилар. Беллашувга қадар уларнинг тайёрлаб келган илмий рефератлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Якуний босқичда ҳар бир иштирокчи 3 тадан саволларда акс этган Президент Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқларида илгари сурилган ғояларни ўз мутахассислиги бўйича амалиётга боғлаб жавоб бердилар.

Кескин баҳс-мунозаралар остида ўтган ушбу беллашувда "Халқаро туризм" факультети 2-курс талабаси Дурбек Ҳакимов биринчи, "Халқаро иқтисодий муносабатлар" факультети 2-курс талабаси Жасурбек Абдусаматов иккинчи, "Тижорат" факультети 2-курс талабаси Сайфиддин Ҳасанов учинчи ўринни эгаллаб, университет ректори томонидан муносиб тақдирландилар.

Шунингдек, кўрик-танловда фаол иштирок этган бир гуруҳ талабалар университет Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлдилар. Кўрик-танлов якунлари шуни кўрсатадики, барча талабалар ўз олдиларида турган масъулиятни юксак даражада ҳис этганликлари, тадбир туфайли уларда Президент асарларини ўрганишга иштиёқнинг ошганлиги, миллий истиқлол ғояларига содиқлик, она-Ватанга чексиз муҳаббат ҳисси кучайганлиги яққол намоён бўлди.

Обиджон МАҲМУДОВ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Мустақиллик йилларидаги ислоҳотлар, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниши билан юртимизда қатор янги турдаги таълим муассасалари барпо этилаяпти. Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежи ҳам ана шундай мақомга биринчилардан эга бўлган илк илм масканларидан биридир.

—Коллежимизда икки йўналишда — мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси ва оилада мактабгача таълим ўқитувчиси ҳамда тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик каби турли соҳалар бўйича тўгарак раҳбарлари йўналишларида мутахассис тайёрланмоқда, —дейди коллеж директори Озода Эшонхўжаева замонавий жиҳозланган ўқув хоналари бўйлаб юрар эканмиз. Дарҳақиқат, компьютерлаштирилган, лингафон ва аудио-видео техник воситалари, тўгарак раҳбарлари тайёрлашда фойдаланилаётган тикув машиналарига қараб кишининг ҳаваси келади. — *Бугунги кунда коллежимизда 556 нафар талабага билим бермоқдамиз. Улардан 200 нафари битирувчилардир. Муҳими шуки, бу битирувчилар ҳозирданоқ иш жойлари билан таъминланган*

Коллежда асосий дарс машғулотларидан ташқари қўшимча фан тўгараклари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, фольклор, пианино, драма тўгараклари, спортнинг енгил атлетика, гимнастика, волейбол, шахмат-шашка, баскетбол каби турлари бўйича клублар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида амалга оширилаётган давлат аҳамиятига молик ислоҳотларнинг ёрқин намунаси деб аташ мумкин.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.
Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАРСИЗ ИЖОДКОР БЎЛА ОЛМАЙДИЛАР!

Ta'kid

Ҳозирги кунда матбуот билан алоқада, мулоқотда бўлмаган ўқитувчи дарслари ёки ижодий ишлари энг мақбуллигига ишонч ҳосил қиласизми? Албатта, ҳа, деб жавоб беришга бир оз қийналасиз. Худди шу саволга жавобни вилоятлар мисолида таълим муассасалари жамоалари ва муаллим-мураббийларнинг вақтли нашрларга нечоғлик обуна бўлганликлари билан белгилаб, изоҳлаб бериш мумкин. Маълумотларга қараганда, Андижон вилояти муаллимлари иккинчи ярим йилликда, яъни июль ойидан бошлаб — 1075 та "Маърифат" газетасининг ҳар бир сонини оладилар. Бу кўрсаткичлар Бухоро вилоятида 1137, Қашқадарё вилоятида 1786, Хоразм вилоятида 1178, Тошкент вилоятида 1007, Тошкент шаҳрида 1274 нусхани ташкил этади. Афсусланарлиси шундаки, айрим жойларда аксарият ўқитувчилар, ташкилотлар ўз газеталарига фақат олти ойгагина ёзилишган. Масалан, иккинчи ярим йилликда Сирдарё (403 нусха), Жиззах (970 нусха), Фарғона (760 нусха), мактаблари, ўз-ўзидан ўқитувчилари ҳам кўп ҳисобланган Самарқанд (1052), Наманган (530) вилоятлари обуна кўрсаткичлари паст эканлиги кузатилди. Фарғона вилоятида 59 нафар таълим ходимига 1 та газета, Наманган вилоятида 56 таълим ходимига1 та газета, Самарқанд вилоятида 54 нафар ўқитувчига 1 та газета, Қорақалпоғистон Республикасида 50 нафар обуначига 1 та газета тўғри келиши ғоят афсусланарлидир.

М.ҚУРБОНБОЕВ

ДАВР ТАЛАБИГА ЖАВОБАН

Замонавий компьютер ва ахборот техноло-гияларидан самарали фойдаланиш масаласи Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг доимий диққат марказида эканлигини ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг матбуотда эълон қилинганидан ҳам англасак бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ V сессиясида ҳам муҳим ҳужжатлар қаторида "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Президентимиз Ислом Каримовнинг иштирок этиши ушбу масаланинг нақадар жиддийлигидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ушбу қонун лойиҳасининг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, мамлакатимизда ахборот-техник воситалар ишлаб чиқаришни ва дастурий таъминотни ривожлантириш, халқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Президент компьютер техникаси, интернет тармоғи салоҳиятидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юртларида кенгроқ фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Замон билан баравар қадам ташлаш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етишга интилиш зарур. Нафақат табиий заҳиралар, балки ақлий салоҳият ҳам катта бойлигимиздир. Шу туфайли биз илғор илмий технологияларни ривожлантиришимиз ва бу соҳада ўз мутахассисларимизни етиштиришга ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да баён этилган вазифаларнинг ифодаси сифатида янги турдаги академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари замонавий компьютерлар, мультимедиа тизими, видеотехника, проектор, сканер, модем каби янги ахборот технологияларининг турли техника воситалари билан таъминланмоқда. Улардан дарс вақтида унумли фойдаланиш учун зарурий материаллар марказлашган ҳолда етказиб берилмоқда.

Айни пайтда ўқув масканларида мавжуд техникалардан самарали фойдаланилаётган бўлсада, айрим таълим муассасаларида етарлича билимга эга бўлган мутахассислар етишмаслиги оқибатида техник қурилмалар бекор туриб қолмоқда.

Шу муаммони ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг буйруғига биноан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ўргатиш мақсадида информатика ва ҳисоблаш техникаси фани ўқитувчилари учун "Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш муаммолари" мавзусида шу йилнинг 16 апрелидан бошлаб, бир ҳафталик махсус семинарлар ташкил этилиб келинмоқда. Мазкур семинарлар ЎМКҲТРИ ҳамда Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида олиб борилмоқда. Бу семинарларда маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб бориш учун билимли, тажрибали мутахассислар, жумладан, профессорлар, академиклар таклиф қилинаяпти.

Jarayon

Бугунги кунга қадар Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган информатика ва ҳисоблаш техникаси фани ўқитувчиларидан 5 та оқими кузатилди. Семинар қатнашчилари, айниқса, кўрсатмали тарзда техника ёрдамида мазмунли дарс олиб бораётган ЎзФА академиги Т.Бекмуротов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори Т.Нишонбоев, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ профессори М.Орипов, ТДАЙИ кафедра мудири Э.Файзуллаев, ЎМКҲТРИ бўлим бошлиғи Э.Ҳасановлар ўқиган маърузалардан жуда мамнун бўлмоқдалар.

Мазкур семинарларни ташкил қилишдан асосий мақсад мамлакатимиз ЎМКҲТ ўқув муассасаларида информатика ва ҳисоблаш техникаси фанидан дарс бераётган ўқитувчиларни бир-бирлари билан яқиндан таништириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишларини уюштириш, ўқитувчиларнинг ўқитишнинг техника воситаларидан кўпроқ фойдаланишларига эришиш, жойларда ана шу мавзуларда ўқув семинарларини ташкил қилиш учун махсус маърузачилар тайёрлашдан иборатдир. Ўтган 5 та оқимда ушбу тизимдан 121 нафар ўқитувчи иштирок этган бўлса, айни кунда Наманган, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидан 19 нафар тингловчи ўз малакасини оширмоқда. Келгусида қолган вилоятлардан жами 112 нафар тингловчининг таҳсил олиши кутилмоқда.

Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,
ЎМКҲТРИ катта ўқитувчиси

САВОЛ — Навоий вилояти Конимех туманидаги 38-мактабдан Салмирза Жузмаханов:

— Биз қишлоқ ўқитувчиларига ёқилғи (кўмир) ёки унинг ўрнига ёқилғи пули бериладими? Кўшни туманларда ҳар йили берилар экан, биздагилар эса бюджетда пул йўқ дейишади.

— Ойликдан банк харажатлари деб ушлаб қолишади. Шу тўғрими?

ЖАВОБ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги "Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш" ҳақидаги Фармондаги имтиёзлардан фойдаланиш асосида "Педагогик ходимнинг яшаб турган уйида марказий иссиқлик билан таъминланиш тизмаси (системаси) йўқ бўлса, унга ҳар бир иситгич қурилмасига ёқилғи сифатида 1 тонна кўмир ҳисобидан товон пули тўланади" дейилган. Шунга биноан сизга кўмир берилиши ёки 1 тонна кўмир ҳисобидан ҳар йили товон пули тўланиши керак.

— Банк харажатлари деб ойликларингиздан пул ушлаб қолинаётган бўлса, туман халқ таълими бўлими раҳбарларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этишингиз мумкин.

САВОЛ — Шердил ҚОСИМОВ, Жиззах вилояти Фориш туманига қарашли (Сайёд қишлоғи) Ҳамза номидаги 7-ўрта мактаб:

— "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланганлар қандай имтиёзлардан фойдаланади?

ЖАВОБ — "Меҳнат шуҳрати" ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар.

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Мустасно ҳолларда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. Қонунчилигимизда ушбу мукофот билан тақдирланганларга бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган.

САВОЛ — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси Абдухолиқ МАХАТОВ:

— Тошкент Давлат университети Механика ва математика факультетининг механика мутахассислиги бўйича тугатганман. Ҳозир менга педагог-ўқитувчи эмассан, деб дарс беришмаяпти, шу тўғрими?

ЖАВОБ — Ҳа, тўғри. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида бу ҳақда — "Тегишли маълумотга... эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» дейилган. Бироқ сизнинг шу давргача мактабда математика ўқитувчиси етишмаётганлиги туфайли математика ва ЭҲМ фанидан дарс бериб келганингиз эътиборга олинади, сиз математика фани бўйича малака ошириш институтида малака ошириб, сўнгра бу фандан дарс беришингиз мумкин.

САВОЛ — Наманган вилояти Тўрақўрғон иқтисодиёт йўналишидаги иқтидорли болалар интернат-лицейи ўқитувчиси С.ОЛИМОВ:

— Тиббий кўрик ҳақида бирор қонуний ҳужжат чиққанми?

ЖАВОБ — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси XIII боб — Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт, дейилган:

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
— олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
— ногиронлар;
— меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
— озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
— умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари;
— меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАБ ОЛИШДИ

O'lkamizni organamiz

Яқинда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-мактабнинг 8-"А" география фани бўйича тажриба-синов, 8-"Б" кузатув-назорат синф ўқувчилари ва "Ёш ўлкашунослар" тўгарагининг аъзолари Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди. Ушбу саёҳатдан мақсад давлат ўқув дастурида ва йиллик иш режада кўзда тутилган ўқув сайрини амалга ошириш, дарс жараёнида берилган назарий билимларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик марказларидан бўлган Самарқанд шаҳрининг кўҳна, бой маданий ва архитектура ёдгорликлари билан танишишдан иборат эди.

Ўқувчилар дастлаб "Амир Темур", "Илонўтди" дарвозасида тўхтаб, ушбу жой билан танишдилар. Ўқувчилар 7-синфда "Туркистон табиий географияси" ҳамда "Ўзбекистон табиий географияси" курсларида Амир Темур дарвозасининг расмини китобдан кўриб, ушбу жой ҳақида қисқа маълумот олганлар. Энди эса ўқувчилар ушбу табиий дарвозани ўз кўзлари билан кузатдилар. Нурота ва Молгузар туманлари, уларни ажратиб турувчи Сангзор дарёсини кўриб, дарсда олган маълумотларни яна бир бор эслашди ва бутун борлиқни томоша қилиб, табиат яратган ушбу борликдан завқланишди.

Самарқанд вилояти Челак туманида жойлашган имом Ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлганимизда эса ўқувчилар зиёратгоҳ ҳақида қимматли маълумотларни олишга муяссар бўлишди. Ўқувчиларга, айниқса, ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши, ундаги безаклари ёқди.

Самарқанд шаҳридаги "Самкочавто" Ўзбекистон-Туркия кўчма корхонасига ташриф ҳам ўқувчиларга ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Улар мазкур корхонанинг цехларини айланиб, цехлардаги бажарилаётган иш жараёнлари билан бевосита танишдилар.

Ўқувчилар Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони, ундаги "Шердор", "Тиллакори" ва "Улуғбек" мадрасалари билан танишар эканлар, ўрта асрлардаги буюк аждодларимизнинг санъатларига офаринлар айтишди. Мана, неча аср ўтибдики, ушбу меъморчилик мажмуаси Самарқандни, қолаверса, Ўзбекистонни бутун дунё сайёҳларига кўз-кўз қилиб турибди.

Ўқувчилар Регистон майдонидан чиқиб, Амир Темур мақбара мажмуасини, ундан сўнг, Улуғбек расадхонаси қолдиқларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Буюк бобомиз, астроном, қомусий олим Мирзо Улуғбек юлдузлар координаталарини аниқлашда ҳозирги ўлчамлардан бор-йўғи 55 секундга янглишган эканлар. Бу ердаги экспонатларни кўрган ўқувчилар ўз ҳаяжонларини яшира олмадилар ва буюк аждодларимизнинг дунё олимлари томонидан тан олиниши бежиз эмаслигига ўзлари ҳам иймон келтирдилар.

Шундай қилиб, Самарқанд сафари барча учун фойдали бўлди. Ўқувчилар дарсда олган назарий билимларини амалий кузатувлар билан янада мустаҳкамлаб, ўзларини руҳан поклаб олдилар. Ўқувчиларга сафар давомида мактаб маъмуриятидан М.Норматова, С.Ирисбоева, ота-оналардан З.Иноғомовалар ҳамроҳлик қилишди.

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

G БИЛАН K МУНОСАБАТИ

6-ДАРС

2. **K** ундоши билан барча сўзларга **g** товуши билан бошланувчи -ga, -gacha, -gach, -guncha, -gani, -gudek, -gan, -gin, -gina каби қўшимчалар қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши, яъни **g** **k** га ўтади ва **k** тарзида айтилиб, ҳам ўзак, ҳам қўшимча бошида **k** билан ёзилади, қўшалоқ товуш сифатида талаффуз этилади. Эътибор беринг: zirak+ga=zirakka, bilak+gacha=bilakkacha, ek + gin = ekkin, tik+gudek=tikkudek, kichik + gina = kichikkina.

3. **G** ундоши билан тугаган сўзларга юқоридаги каби **g** ҳарфи билан бошланувчи айнан ўша қўшимчалар қўшилганда кирилл алифбосидаги имло қоидасига кўра **К** ёзилишига одатланган эдик. Аммо бу қоида қатъий эмас эди, чунки ўзлашма сўзларга бу амални қўллаб бўлмас ва **г** тарзида, яъни асл талаффузи бузилмасдан ёзилар эди. Лотин ёзувига асосланган янги алифбомизнинг имло қоидаси орқали бундай чалкашлик тугатилди. Унга кўра, **k** ва **g** ундошларидан ташқари бошқа товушлар билан тугайдиган барча сўзларга, ҳам **g** ҳарфи билан бошланувчи юқорида кўрсатилган қўшимчалар қўшилганда **k** тарзида айтилишидан қатъи назар, доимо, **g** ёзилиши лозим.

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

Эслаб қолинг: barg+ga=bargga, dramaturg + gacha=dramaturggacha, teg+gin=teggin, eg = gudek = eggudek.

1-топшириқ: - **g** ва **k** ундошлари билан фарқланувчи сўзлардан қанчасини топа олсангиз барчасини, икки устунга ажратиб янги алифбода ёзишни машқ қилинг.

Намуна: **gul - kultuk - tug**
gal - kal yuk - yugan

2-топшириқ: **G** ундоши билан тугаган сўзларга -ga, -gach, -gina, -gacha каби **g** товуши билан бошланувчи қўшимчаларни қўшиб ёзинг ва бу мисолларингизни кирилл алифбосига қиёсланг.

Намуна: **плуг+га - plugga**
туг+гач - tuggach (туккач)

Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

(Давоми. Боши газетамизнинг 2001 йил 6 июнь ўтган сонида)

МАКТАБ УЧАСТКАСИДА БУҒДОЙ ПИШДИ

Маълумки, бу ўқув йилида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 1-босқичи якунланади. Шу муносабат билан ҳамда Наманган вилояти халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида бир қатор туманлардаги мактаблар фаолияти билан танишдик. Хусусан, Учқўрғон туманидаги 1-мактаб, Норин-дагги иқтидорли болалар лицейида олиб борилаётган ишлар бизда ижобий таассурот қолдирди. Шу ўринда Наманган туманидаги 13-ўрта мактаб ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Чунончи, мактабнинг ташқи кўриниши диққатингизни тортади. Мактаб ҳовлисига кирган кишининг эса баҳри дили очилади. Мактаб ҳовлиси, ён-атрофлари, синфхоналарининг саранжом-саришталилигидан, мактаб жамоаси юксак дид эгалари экан-да, деган хаёлга борасиз.

Сирасини айтганда, мактаб замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиб, 1224 ўқувчига мўлжалланган. Мактаб ўқув йили бошида юқори савияда таъмирдан чиқарилган. Мавжуд 27 та фан ва синфхонаси етарли инвентарлар билан жиҳозланган. Кимё, физика фанлари учун алоҳида лабораториялар, катта спорт зали, мини футбол, баскетбол, қўл тўпи учун спорт майдончалари жиҳозлари кўзни қувонтиради. У ерда таълимга ахборот воситаларини олиб кириш ҳам яхши йўлга қўйилган экан. Мактабда 4 та телевизор, 4 та магнитофон, 2 та киноаппарат, 12 та филмоскоп ва бошқа техник воситалар мавжуд. Ўқувчилар рус ва француз тили фанларини яхши ўрганишлари учун лингафон хоналари, информатика хоналари ишламоқда. 120 ўринли мактаб ошхонаси ва буфет ўқувчилар хизматида. Албатта, бундай қулайликларга эришишда мактаб моддий- техника базаси муҳим аҳамият касб этади. Айни шу соҳада оталиқ ташкилоти "Тур-кистон" жамоа хўжалигининг ўзига хос ўрни бор. Қувончлиси, хўжалик томонидан 1997-2000 йиллар давомида мактаб таъмири ва инвентарлар олиш учун 400000 сўмлик ёрдам маблағлари ажратилгани ибратлидир. Ундан ташқари, мактабда тадбиркорлик яхши йўлга қўйилган. Мактаб ҳудудидаги экин майдонларидан унумли фойдаланиш орқали кейинги йилларда бир ярим миллион сўм миқдорида қўшимча маблағ ишлаб топилди.

Даромадга яраша буромад, деганларидек, 2000 йилдаги 464 минг сўм даромаднинг 98 минг сўми ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга, 274 мингги мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланди.

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

—2001 йил маркетинг хизмати ва бизнес режага кўра, бу йилги мақсадимиз,—дейди мактабда 30 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган "Соғлом авлод учун" I даражали ордени соҳибаси Ўғилхон Абдуллаева, —1500000 сўм даромад қилиш. Бунинг учун жамоа хўжалиги билан шартнома асосида 5 гектар ер олдик. Ҳозирда у ерда буғдой ўримига тайёргарлик кўрилмоқда, буғдойдан сўнг унинг ўрнига шоли экилади.

Комила УСМОНОВА,
РТМ бош методисти

Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида "Умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув режани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларининг 2001-2002-ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси (таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар) тасдиқланиши муносабати билан қатор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, Республика таълим марказига: жорий йилнинг 1 августига қадар ўқув режада белгиланган барча фанлар ва курслар бўйича услубий тавсиялар, йўриқномалар тайёрлаш ҳамда жойларга етказиш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари эса тасдиқланган ўқув режа ва ўқув режанинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг ижросини умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилинишини назорат этадилар.

Хуллас, мазкур буйруқ билан боғлиқ ишлар қатъий назорат остида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 2001-2002-ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎТИШ ДАВРИ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Т\р	Ўқув фанлари	Синфлар (Янги дастур асосида) 1	2	3	4	5	6	7	8	Умумий соат	Синфлар (Ҳаракатдаги дастур асосида) 9	10	11	Умумий соат	Ҳафта Умум. соат	Жами соат
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	219	35	36	36	107	326	11064
1.	Ўзбек тили		2	2	2	2	2	2	2	14	2	2	2	6	20	680
2.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	62	5	5	5	15	77	2610
3.	Хорижий тил					3	3	3	3	12	2	2	2	6	18	612
4.	Тарих					2	2	3	3	10	4	4	4	12	22	748
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	1			1	2	68
6.	Инсон ва жамият										1		1	1	1	34
7.	Иқтисодий билим асослари								1		1	1	1	3	4	136
8.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	40	5	5	4	14	54	1835
9.	Информатика								1	1	1	2	2	5	6	204
10.	Физика, астрономия						2	2	2	6	3	4	5	12	18	612
11.	Кимё							2	2	4	3	2	2	7	11	374
12.	Биология					1	2	2	2	7	2	1	2	5	12	408
13.	Табиият ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	11	1	2		3	14	475
14.	Одобнома	1	1	1	1					4					4	135
15.	Ватан туйғуси					1	1			2					2	68
16.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	2	1			1	3	102
17.	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1		7					7	237
18.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1		7					7	237
19.	Чизмачилик								1	1					1	34
20.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	11	2	2	2	6	17	577
21.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	16	2	2	2	6	22	746
22.	Чақириққача ёшларни тайёрлаш											2	2	4	4	136
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	16	3	3	3	9	25	848
	Умумий соатлар	22	24	26	26	32	34	35	36	235	38	39	39	116	351	11912
	Амалий меҳнат машғулоти(кун ҳисобида)					6	6	10	16			20				

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" асосида тузилган.

Ўқув режа ўтиш даврига мўлжалланган бўлиб, бунда 2001-2002-ўқув йилида I-VIII синфлар янги дастур, IX-XI синфлар амалдаги дастур асосида ўқитилиши режалаштирилган.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир.

Мактаб компоненти мактабнинг дарс соатларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради ҳамда ўқувчи шахсининг яратувчанлик имкониятларини кенгайтириш, ижодий, ижтимоий ва амалий фаолиятларини ривожлантириш учун шароит яратади. Бошланғич синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ўқувчиларнинг асосан маънавий, бадиий-эстетик, мусиқавий, ахлоқий-ҳуқуқий фазилатларини ривожлантиришга қаратилади. Шу билан бирга мактаб компонентига ажратилган соатлар факультатив ва ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра ижодий қобилиятини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотларига ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишга ажратилади.

Мактаб ихтиёрига берилган соатларни ўтишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ҳайъат мажлиси қарори билан тавсия этилган дастур ва қўлланмалар ёки мактаб методика бирлашмалари ҳамда мутахассислар ҳамкорлигида яратилиб, Республика Таълим маркази томонидан тасдиқланган алоҳида дастур ва қўлланмаларни жорий қилиш мумкин. (Изоҳ: мустақил тайёрланган дастур ва қўлланмалар Қорақалпоғистон Республикаси ўқув-методика маркази, Тошкент шаҳар, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари илмий-методика кенгашлари тавсияномасидан сўнг, Республика Таълим марказига тасдиқлашга берилади. Бунда ўқитувчиларнинг хоҳиш-истакларидан ташқари, малакали мутахассислар ва ўқув-моддий базанинг мавжудлиги ҳақидаги маълумот ҳамда мактаб кенгашининг қарори бўлиши шарт).

Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўтилади.

1.Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўзбек тили фани ўрнида ўқитилади. Таълим, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиётдан III-IV синфларда 2 соатдан, V-XI синфларда хорижий тилдан 1 соатдан, она тили ва адабиётдан 1 соатдан олиниб, жами 2 соат ҳисобида 3-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин. Мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан, мазкур тиллар (ўзбек ва рус тиллари)ни чуқур ўрганиш учун давлат ва мактаб компонентларидаги соатлардан қўшимча фойдаланиш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Ф-1331-сонли фармойиши асосида X-XI синфларда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курсини мактаб компоненти ҳисобидан ҳар бир синфда 17 соатдан ўқитилади.

3. Диний урф-одатлар, қадриятлар ҳамда уларнинг тарихи, Одобнома (I-IV), Атрофимиздаги олам (I-IV), Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (IX синф), Тарих (V-IX синф), Адабиёт (VIII-IX) ўқув фанлари таркибида тегишли дарс мавзуларида ўрганилади. IX синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан "Тарих фани ҳисобидан (Ўзбекистон тарихидан 1 соат, Жаҳон тарихидан 1 соат), "Динлар тарихи" курси 34 соат ўқитилади. Бундан ташқари, 8-синфларда тарбиявий соатларда 12 соатлик дастур асосида "Ҳадис илми сабоқлари" ўрганилади.

4. I-IV синфларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларида назарий материал сифатида "Ўзбекистон ифтихорлари" қўлланмасидан ҳам фойдаланилади (бу курснинг юқори синфларда ҳам жисмоний тарбия дарсларида ўтилиши мақсадга мувофиқ).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Ф-1322 -сонли фармойиши асосида 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб I-IV синфларда "Конституция алифбоси" курси "Одобнома" ва бошқа ўқув фанлари таркибида жами 10 соат ўрганилади:

- V-VII синфларда "Конституция оламига саёҳат" курсини мактаб компоненти ҳисобидан 17 соатдан ажратилиб ўқитилади, бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида бет ажратилиши лозим. Ушбу курс махсус малака ошириш курсидан ўтган мутахассис ўқитувчи томонидан ўтилади.

6. "Иқтисодий билим асослари":

- I-IV синфларда "Иқтисод алифбоси" курсининг ўқув материаллари она тили, ўқиш, математика фанлари таркибида;
- V-VII синфларда "Иқтисод сабоқлари" ўқув курслари она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат таълими фанлари таркибида, VIII-XI синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

7. V синфда биология фанида 2000 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ботаника" (V-VI синф) дарслигидан 34 соатга мўлжалланган мавзулар, VI синфда эса дарсликнингдавоми тўлиқ ўрганилади.

8. "Табиият" фани бошланғич синфларда "Атрофимиздаги олам" ва "Табиатшунослик"ни ташкил этади. География фани V-X синфларда ўқитилиб, V синфга ажратилган ҳафталик 1 соатда "Табиий география" бошланғич курси ўқитилади. Бунда V синфлар учун мўлжалланган. П.Мусаев ва А.Баҳромовнинг "Табиий география бошланғич курси" ("Ўқитувчи", 2000, 2001 й.) қўлланмасидан фойдаланилади. VI синфда 68 соат давомида "Материк ва океанлар табиий географияси", VII синфда "Ўрта Осиё табиий географияси" биринчи ярим йилликда (34 соат) ва иккинчи ярим йилликда "Ўзбекистон табиий географияси"дан янги дастур асосида ўқитилади.

9. Кимё ўқув фани 2000-2001 ўқув йилидан янги дастур асосида VII синфдан бошлаб ўқитилмоқда.

10. Чизмачилик фани VIII синфларда 2001-2002 ўқув йилида янги дастур ва дарсликлар асосида ўқитилади. IX синфларда Республика таълим маркази томонидан тайёрланган методик тавсиялар асосида мактаб компоненти ҳисобидан машғулотлар олиб борилиши мумкин.

11. Барча турдаги таълим муассасаларида таянч ўқув режаси якуний юклама бўйича давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади. Факультатив, якка, гуруҳ машғулотлари гуруҳдаги ўқувчилар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда молиялаштирилади.

12. Мактаб кенгаши қарори асосида давлат компонентидаги фанларга ажратилган соатларни ўқув дастурини бажариш шарти билан 15 фоиздан ошмаган ҳолда қисқартириб, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлар, ихтисосликка йўналтирилган мактабларга мустақил (вариатив) ўқув режаларни тузиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари V-XI синфлардаги "Меҳнат" дарсларининг ҳисобига касб ихтисослигига йўналтирилган фанларнинг амалий машғулотларини ўтказишга рухсат берилади. Бу ўқув режани Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси тасдиқлайди. Лекин ҳар бир синф учун мўлжалланган жами ҳафталик соатлар ҳажми мазкур ўқув режада кўрсатилган миқдордан ошмаслиги лозим.

13. I-VIII синфларда "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўрганиш учун ҳар бир синфга мактаб компоненти ҳисобидан йиллига 17 соат ажратилади. I-IV синфларда бошланғич синф ўқитувчилари, V-VIII синфларда махсус курсдан ўтган мутахассис-ўқитувчи томонидан ўтилади. Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши шарт ва синф журналида бет ажратилиб, ўқувчилар билими баҳоланади.

14. 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда яратилган "Соғлом авлод асослари" дастуридан I-IV синфларда "Одобнома" дарсида тегишли мавзуларда фойдаланилади.

V-VIII синфларда ушбу дастур асосида ўқитиш мактаб компоненти ҳисобидаги соатдан фойдаланган ҳолда ташкил этилади (17 соат). IX-синфда ундан "Одам ва унинг саломатлиги" фани таркибида тегишли мавзуларда фойдаланилади (Республика таълим марказининг тавсияномаси асосида).

15. "Инсон хавфсизлиги асослари" машғулотлари I-IV синфларда ўқув йилининг иккинчи ярмида жисмоний тарбия фани ҳисобидан 6 соат, "Одам ва унинг саломатлиги", "Умумий биология" ва "Кимё" фанлари дастурлари таркибида 8 соат ўқитилади.

16. Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга бўлган умумий ўрта таълим мактабларида — шаҳар мактабларида синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактаби синфларида 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда қуйидаги фанларни ўқитишда синфлар гуруҳларга бўлинади:

- II-XI синфларда хорижий тиллар дарсларини ўтишда;
- таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда II-XI синфларда ўзбек тили дарсини ўтишда;
- VIII-XI синфларда "Информатика" фани дарсларини ўтишда;
- VIII-XI синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда йигит ва қизлар саккиздан кам бўлмаса);
- V-XI синфларда меҳнат дарсларини ўтишда.

Мактаб компонентига ажратилган соатлар юқоридаги фанларга берилганда ҳам синфлар гуруҳларга бўлиб ўқитилади.

17. Таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб кенгашининг қарорига биноан, айрим фанлар, курслар ўзбек тили (давлат тили)да ўқитилиши тавсия этилади.

18. Мазкур ўқув режада таълим меъёри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига биноан биринчи синфда 33 ҳафта, II-XI синфларда 34 ҳафта белгиланган. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда якунланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил — 4 ноябрдан 11 ноябргача; қишки таътил — 31 декабрдан 10 январгача; баҳорги таътил — 22 мартдан 31 мартгача; ёзги таътил ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. Шу билан бирга 1-синф ўқувчилари учун февраль ойининг учинчи ҳафтасида бир ҳафталик таътил белгиланади.

19. Ўқув йили якунида V-VIII, X синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида амалий меҳнат машғулотлари бевосита мактабда, идора ва корхоналарда қуйидагича ўтилади:

—V-VI синфларда 6 кун 3 соатдан;

—VII синфда 10 кун 3 соатдан;

—VIII синфда 16 кун 4 соатдан;

—X синфда 20 кун 6 соатдан.

"Маърифат" газетасининг шу йил 6 июнь сонида берилган "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларининг 2001-2002 ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси" ҳамда унга илова қилинган "тушунтириш хати"да айрим жузъий камчиликлар мавжудлиги боис тузатилган вариантда қайта берилмоқда.

НЕГИЗ — ТАРИХДА

Илм-фан, санъат, адабиёт ёки ҳунармандчилик билан боғлиқ ҳар қандай соҳанинг бугунги ва ё эртанги тараққиётини, жамиятда тутган ўрнини, миллий мафкура манфаатлари учун олиб бораётган жаҳоншумул фаолиятини аниқламоқ учун ўтмишга, тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнига эътибор қилиш ҳар қандай соҳа мутахассислари учун синалган ҳақиқат. Шу маънода "Маърифат" газетасининг шу йил 4 апрель сонида эълон қилинган Б.Валихўжаевнинг "Темурийлар қурган мадрасаи олиялар" номли мақоласида кўтарилган масала бугунги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия тизимининг мазмуни ва қурилишини янада мукаммаллаштириш — ёш авлодни миллий истиқлол манфаатлари руҳида тарбиялашдек кун тартибидаги энг долзарб масалани ўртага ташлайди. Мақолада Темурийлар даврида қад кўтарган мадрасаларни фақат меъморчилик ёки нақшинкорлик санъати намуналари сифатида қайд этиш эмас, балки уларда ўқиш ва ўргатиш, таълим-тарбия бериш, шу тариқа касбга йўналтириш, бошқача айтганда, ўқиш-ўқитишнинг методологик — услубий асослари қандай ташкил бўлганига урғу берилади.

Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасаи олия — асрлар оша, мақола муаллифи таъкидлаганидек, бир маромда бўлмасада, XX аср бошларигача ўз фаолиятини имкон доирасида давом эттирганлиги тарихий ҳақиқатдир. Ана шунга асосланиб асримиз бошларида вужудга келган ҳозирги СамДУнинг бугунги фаолиятида ўша Улуғбек ташкил қилган мадрасаи олия билан миллий кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос боғлиқлик мавжуд.

"Темурийлар қурган мадрасаи олиялар" сарлавҳали мақола таълим-тарбия тизимининг янги дастурини ишлаб чиқишга туртки бўла олади.

Дамин ТЎРАЕВ,
Қарши Давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор
Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Termizning 2500 yilligi oldidan

ЯНА БИТТА КАШФИЁТ

Мозийда юртимиз заминида кўплаб буюк алломалар ўтгани сир эмас. Кўҳна ва навқирон Термизда ўтмишда юзлаб Термизийлар яшаб ўтишган. "Илми ал нужум" (Юлдузлар илми) китобининг муаллифи Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизий шундай пешқадам олимлардан бири ҳисобланади. Аҳмад Устурлобий ҳижрий 276 йилда (милодий 898 йилда) Термизда туғилган ва хижрий 368 йилда (милодий 990 йилда) вафот этган бўлиб, у киши ёзган "Илми ал нужум"нинг ўзига хос жиҳати шуки, китобдаги сирлар абжадга яширилган. Фақат абжадни еча оладиган кишигина уни ўқий олади.

Муаллиф ушбу асарида дунёнинг турли мамлакат ва шаҳарларидан йиғилиб келган 36 нафар етук мунажжим ҳақида ёзган. Китобда битилишича, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси яқинида, ернинг тагида тайёрланган махсус жойда 36 нафар мунажжим илми табобат, илми фалакиёт билан қизғин шуғулланишган. Ер остида туриб юлдузларни, коинотни кузатишган, қуёш нури билан беморларни даволашган. Дарвоқе, XX асрнинг охирларига келиб, қадимшунос олимлар томонидан Устурлобий шогирдлари ва ўзи иш олиб борган ўша ертўлалар топилди.

"Илми ал нужум" китобини тасниф этишга киришган Термиз Давлат университети илмий тадқиқотчиси Гулсум Хўжамшукурованинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, Устурлобий шогирдлари дунёнинг турли томонидан келишган. Масалан, улар орасида Самон Ашур Сабоҳ (Ҳамзаи Ҳофиз) Термизий, Мусо Жаъфар Саъид Термизий, Сулаймон Вали Исмат ал-Румий, Хўжа Қиёс Форсий, Орол Ҳусайн Ҳабаший, Али Язиб Озорий, Абу Наср Аттор ибн Ироқ, Аъзам ибн Бойсур ал-Мисрий, Абу Сухайл Райжон Аҳмад Қўҳий каби етук мунажжимларнинг исми-шарифига назар ташласангиз, улар турли мамлакатларнинг одамлари эканлиги аён бўлади.

Тадқиқотчининг эътироф этишича, Термизийлар кўп бўлиб, ҳали катта хазинадан халқ баҳраманд эмас. Масалан, 36 мунажжимнинг бири — Юсуф Ҳаёт ибн Шакар ат-Термизий қаламига мансуб "Ҳазор савол малика ва донишманд" ("Маликанинг донишмандга минг саволи") номли китоб бор. У ғоятда қизиқарли, киши эътиборини ўзига тортадиган асардир. Китоб усмонли турк тилига тасниф қилинган. Бу рисола ҳозирги китобхонларга тушунарли таржимасини кутмоқда. 36 мунажжимнинг бири - Мусо Жаъфар Саъид Термизийнинг "Фазо ал-нажот" китоби 1328 йилда араб тилидан Муҳаммад Саид Хўжа томонидан усмонли турк тилига ўгирилган.

Ёки бўлмаса яна ўша Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизийнинг "Фазо ал осор" («Осмон жисмларини ўрганиш») китобини олиб кўрайлик. Бу китоб араб тилидан Абдулла Ҳожи Ғулом томонидан таржима қилинган. Мен ҳали кўпчиликка номаълум бўлиб турган аллома термизийларнинг яна қатор китобларини мисол тариқасида келтиришим мумкин. Бу асарларни чуқурроқ ўрганиш, ўқувчиларни кўпайтириш Термизнинг муборак 2500 йиллик тўйига ўзига хос муносиб совғамиз бўлади, деди Г.Хўжамшукурова.

"Туркистон-пресс"

Янгийўл туманининг Гулбаҳор қўрғонида жойлашган 12-болалар боғчасида ўтказилган "Соғлом авлод учун" кўрик-танловининг иккинчи босқич вилоят микёсидаги баҳслари болаларимизнинг ёшлигиданоқ соғлом ўсишлари мақсадида ташкил этилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Кўрик-танловда Тошкент вилоятининг барча туманларининг ғолиб 15 та ва 6та шаҳар болалар боғчалари жамоалари иштирок этишди. Иштирокчилар танловнинг илк шартида ўз боғчаларида олиб борилаётган ишлари акс этган турли кўргазмали жиҳозлар, альбомлар ва видео тасмаларни намойиш этишди. Намойишдан сўнг ҳакамлар ҳайъати томонидан жамоалар шартларни қанчалик даражада бажарганликларига қараб қуйидаги ўринларга лойиқ топилди. Янгийўл туманининг 11-болалар боғчаси ҳамда Чирчиқ шаҳрининг 2-болалар боғчаси тўплаган балларига кўра, тенг топилиб, биринчи ўринни эгаллашди ва икки жамоа ҳам республика миқёсида ўтказиладиган "Соғлом авлод учун" кўрик-танловига йўлланма олишди.

Ғолибларга вилоят халқ таълими бошқармасининг мактабгача таълим муассасаси бош мутахассиси Санобар Аҳмедова вилоят "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва "Мавлуда" фирмаси таъсис этган совғалар ҳамда вилоят халқ таълим бошқармасининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Шундан сўнг кўрик-танлов болалар боғчалари тарбияланувчиларининг шўх қўшиқларию, шодон ўйинларига уланиб кетди.

Суратларда: кўрик-танлов воқеалари акс этган.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ИЛК САБОҚ БИЛАН БИРГА...

Бола дунёқарашининг шаклланишида ўқитувчининг ўрни беқиёс. Буни чуқур тушунган бошланғич синф муаллимаси Роҳатой Аҳмедова болалар мактабга илк қадам қўйган палладаноқ уларнинг қалбига кириб боришга, улар тарбиясини тўғри ўзанга солиб юборишга ҳаракат қилади.

"Мактаб қучоғига илк бор қадам қўйган болаларга ҳарф ўргатиб, уларнинг саводини чиқариш билан бирга, Она Ватанга муҳаббат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламан,—дейди Роҳатой опа.—Аждодларимизнинг бой мероси, халқ оғзаки ижодиёти бизнинг фахримиз эканлигини тушунтираман, улардан дарс жараёнида кенг фойдаланаман. Бу болаларимизнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавиятимизни тушуниб етишларида яқиндан ёрдам беради. Ўзим дарс бериб, сабоқ ўтаётган жажжи ўқувчиларимнинг ҳар бири келажакда ўз муносиб ўрнини топишини, тарихни яхши билган ва ҳуқуқини тушуниб етган юртпарвар инсонлар бўлиб улғайишини истайман ва бунга озмикўпми ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Изланувчан муаллима ўз олдига юксак мақсадларни қўйгани ҳолда меҳнат қилар экан, болаларга пухта билим бериш учун турли ноанъанавий дарс усулларидан кенг фойдаланади. Бу меҳнатлар ва изланишлар эса, асло беиз кетмайди. Юқори синфга кўчган муаллиманинг шогирдларида, аксарият бирдай фаолликни кузатиш мумкин.

Дарвоқе, тиниб-тинчимас муаллима Роҳатой Аҳмедова ўзи ишлаётган Жиззах шаҳридаги 25-ўрта мактаб педагогик жамоасининг ҳам ибратли ходимларидан саналади.

И.БЎРИБОЕВ

ОЛИМПИАДА ЯКУНЛАНДИ

Фарғона вилоятининг Бағдод туманида 1997 йилда ташкил этилган "Шарқ юлдузи" агрофирмасига илгари туман савдо ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган Рустамжон Абдурасулов бошлиқ этиб тайинланди.

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик" деганларидек, Р.Абдурасулов ўша йилданоқ атрофига ишончли кишиларни тўплаб, тиришқоқлик билан иш бошлади. Натижа эса ёмон бўлмади. Чўл ерлари бўлишига қарамай, буғдой ҳосилдорлиги 58, пахта эса 40 центнерга етказилди. Жами 34,5 гектар ернинг қолган қисмига ҳам картошка, помидор экилиб, улардан ҳам юқори ҳосил олишга эришилди. Ҳаттоки дала қирғоғига синаш учун экилган ошқовоқнинг 1 донаси оғирлиги 57 килограммга етганлиги воқеаси бутун бағдодликлар орасида шов-шувга сабаб бўлди. Ана шундай меҳнат натижасида агрофирма ходимларининг уйи дон-дун билан тўлди, яшаш шароитлари яхшиланди. Бундан ташқари, Рустамжоннинг ташаббуси билан "Намуна" жамоа хўжалиги ҳудудидаги мактаб битирувчилари ўртасида "Намуна"нинг намунали ўқувчиси" деб аталган аниқ фанлар олимпиадаси низоми тасдиқланиб, "Сўнгги қўнғироқ" тантаналари арафасида ўтказиб бориладиган бўлди. Айниқса, жонажон Ўзбекистонимизнинг шонли 10 йиллик тантанаси арафасида 3 марта ўтказилган ана шу олимпиаданинг якуни ҳаяжонли бўлиб ўтди. Чунки бу йилги 8,9,10 ва 35-ўрта мактабнинг 20 нафар энг билимдон битирувчи ўқувчилари аввалгилардан фарқли ўлароқ мактабларнинг ўзида эмас, балки вилоят Тест марказида синовдан ўтдилар ва улар қайси билим даргоҳининг қандай мутахассислиги бўйича ўқишга кира олишлари имкони борлигини олдиндан аниқлаб олдилар. Синовда 175,7 балл тўплаган 10-ўрта мактаб ўқувчиси Равшанжон Мўйдинов 1-ўринни, 173,5 балл олган 35-ўрта мактаб ўқувчиси Сардор Мамажонов 2-ўринни, 157,1 баллга эга бўлган 10- ўрта мактабнинг яна бир вакили Ҳожиакбар Тўйчиев 3-ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Ғолибларга агрофирма ва синфдошлар томонидан тайёрланган гилам, полос ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Тантана якунида туман халқ таълими бўлими инспектори Ю.Мўминов, "Қирқболди" қишлоғи фуқаролар кенгаши оқсоқоли М.Бойматов, 10-ўрта мактаб директори Э.Эргашев, 35-ўрта мактаб директори А.Деҳқоновлар сўзга чиқишиб, ташаббускор Рустамжон Абдурасуловга, агрофирма ходимларига ҳамда олимпиада ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Муҳиддин МАДАМИНОВ

Бу ерда айланиб юрган чет эллик сайёҳларни кўриб, уларнинг ҳар бир ёдгорликни ажиб бир ҳайрат билан кузатишларини кўриб, ич-ичимдан ғурурланиб кетдим.

Бу ташкилот мактаб ва оромгоҳ таъмири учун айтарлик иш қилган эмас. Шу боис, оромгоҳнинг очилишига тайёргарлик кечиктирилмоқда.

ВАТАН БАЙРАМЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий соврин — Гран-при *Хоразм вилоят ХТБ қошидаги "Мерос" фольклор-этнографик ансамбли.*

1-ўрин

Тошкент шаҳридаги 222-мактаб жамоаси.

2-ўрин

Нукус шаҳридаги 36-мактаб жамоаси.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 27-мактаб 5-синф ўқувчиси Бобомурод Холов.

3-ўрин

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-мактаб 4-синф ўқувчиси Сарвиноз Ҳасанова.

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 24-мактаб ўқувчиси Нодира Исмоилова.

Бухоро вилояти Жондор туманидаги 5-мактаб фольклор жамоаси.

Рағбатланлантирувчи мукофотлар

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 3-мактабнинг "Камалак" ансамбли.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 24-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Динара Холиқова.

Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Каримжон Эгамбердиев.

ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 35-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Гуласал Ҳошимова.

Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 14-мактаб фольклор гуруҳи.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 17-мактаб жамоаси.

Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Ғунча" фольклор-этнографик ансамбли.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТДИ

1999 йили Бухоро вилоятида бўлиб ўтган қўшиқ байрамида Бухоро ҳақида, 2000 йили Самарқандда Самарқанд ҳақидаги қўшиқни байрам иштирокчилари биргаликда илк бор ижро этган эдилар. Урганчда анъана давом этиб, Хоразм ҳақидаги Муҳаммаджон Отажоновнинг "Гўзал Хоразм" қўшиғи илк бор янгради. Болалар Ватанимизнинг ажойиб гўшаларини мадҳ этиб, Ўзбекистон гўзаллигини ҳис қилмоқдалар, улар қалбидаги юрт меҳри, унга садоқат туйғулари парвариш этилмоқда.

ХОРАЗМДА ХИВА БОР...

Юртимиз қадимий обидаларга бой. Санъатсевар болалар қўшиқ байрамида иштирок этиш билан бирга Ўзбекистон довруғини оламга ёювчи қадимий ёдгорликларни ҳам томоша қилишга муваффақ бўлишмоқда. Бухоро, Самарқанддан сўнг улар бу йил Хива дурдоналари, Ичонқалъа мажмуасини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу улар қалбидаги Ватан севгисини кучайтиргани тайин.

Болалар таассуротлари билан ўртоқлашдилар:

Фазлиддин ПОЁНОВ, Олтинсой туманидаги 17-мактаб ўқувчиси:

— Хивани фақат телевизорда, киноларда кўрган эдим. Тасаввуримдагидан умуман бошқача экан. Менга, айниқса, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Исломхўжа минораси ёқди.

Каримжон ЭГАМБЕРДИЕВ, Наманган туманидаги 37-мактаб ўқувчиси:

— Ичонқалъа ичида ҳалиям одамлар яшаши ажойиб экан. Бу ерда айланиб юрган чет эллик сайёҳларни кўриб, уларнинг ҳар бир ёдгорликни ажиб бир ҳайрат билан кузатишларини кўриб, ич-ичимдан ғурурланиб кетдим. Бизнинг шундай ажойиб юртимиз бор!

ҚЎШИҚ ВА СОҒИНЧ

Қўшиқ — дил таржимони. У орқали инсонлар бирлашадилар, дўстлашадилар. Айниқса, она-Ватан ҳақидаги қўшиқлар қалблардаги туйғуларни жўштириб юборади.

8 июнь куни соат 15-00 да кечки байрамга тайёргарлик жараёнини кузатиш учун Жалолиддин Мангуберди хиёбонига бордим. Ташкилий қўмита аъзолари, ишчилар ўз ишлари билан банд. Бир чеккада уларни кузатиб турган бир аёл эътиборимни тортди. Соат 17-00 дан ошдики, у жойидан қимирламас, назаримда кимнидир кутар эди. Уни сухбатга тортдим. Гурунгдан аён бўлдики, Шаҳзода Беглиева — Урганч туманидаги 37-мактаб директори. Асли чинозлик. 1980 йили Хоразмга келин бўлиб тушган. Турмуш ўртоғи Райимбой Беглиев Хоразм вилоят ПХМОИ мусиқа кафедраси мудири. У қўшиқ байрамида иштирок этаётган сурхондарёликларни кутиб турган экан. Сабаби, катта ўғли ҳарбий хизматга жўнаганига бир ой бўлиб, Термиз шаҳрида ўқув-машғулот жараёнини ўтаётган экан. Она ўғлини соғинибди. Сурхондарёликларни кўриб, улар орқали Ватан хизматидаги фарзандига соғинчлик саломи жўнатмоқликни ниятлабди.

Ватанимиз кенг, бепоён. Унинг шундай улкан қалбли оналари, нозик туйғули фарзандлари, Ватан сарҳадларидек поёнсиз қўшиқлари бор. Шундай экан, қўшиқ байрамлари, Ватан байрамлари давом этаверади. Биз уларни соғиниб яшаймиз.

Ҳусан НИШОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Xullas...

АСЛ ВА ҲАЛОЛ МОЛ

Мусиқанинг инсон танасига руҳий куч-қувват беришини ҳаммадан кўра Жованни Маджини чуқур ҳис қилса керак. Скрипка чалиб, элнинг меҳрини қозонган юксак истеъдод соҳибининг асбоби ўғирланганда у қандай аҳволга тушишини тасаввур қилаверинг.

Бу мусиқа асбоби 1680 йилда итальянларнинг энг машҳур устаси томонидан ясалган ва бирор марта бузилмаган. Уч асрдирки, ундан таралган оҳанглар мухлисларни ром этиб келарди. Асл молнинг баҳосини 100 минг доллардан кам баҳолашмади.

Албатта, ноёб мусиқа асбобининг ишқибозлари ҳам кўп. Скрипкани ўзиники қилишни мўлжаллаб юрганлардан бири уни Сочидаги орган ва камер мусиқаси залидан ўғирлаб чиқиб кетади.

Қидирув ва талвасага тушиб ўзни ҳар ёнга отишлар... Қўяверасиз энди. Аммо мол ҳалол бўлса топилади деган гап бор. Зал концертмейстери уйига транспортда қайтаётиб, ўша бузилмас скрипка ғилофини нотаниш киши қўлида кўриб қолади. Концертмейстер жон-жаҳди билан ўғрига ташланиб, асбобни қўлга киритди.

Жованни қадрдон чолғусини кўриб, концертмейстерга ўз миннатдорчилигини билдиришга сўз ҳам тополмай қолди.

ЖАННАТ БОҒИ БОРМИКАН!

Жаннат боғи руё эмасмикан? Бу ҳақда дунё олимларининг бош қотиришларига нафақат ойлар, балки йиллар ва умрлар сарф бўлаётир. Британиялик олим Майкл Сандерс ўзининг археологик тадқиқотлари билан бутун дунёни ларзага солмоқда. У ўз илмий ишларини қўҳна битикларда келтирилган жўғрофий нуқталарни қидириб топиш билан боғлаб, жаннат боғи қачонлардир мавжуд бўлганлигини таъкидламоқда.

Сандерс Америка фазогирлари томонидан тушириллган ернинг турли фотосуратларини ўрганиб чиқиб, жаннат боғи Эдемнинг Туркия ҳудудидаги катта Арафат тоғи яқинида бўлганлигини таъкидламоқда. Сандерс кашфиётни ўзлаштириб олишларидан чўчиянти шекилли, Эдемнинг аниқ координаталарини айтишдан ўзини олиб қочаётир.

Сандерснинг тадқиқотлари қанчалик даражада ҳақиқатга яқинлигини келажак кўрсатади. Туркия киноижодкорлари "Жаннат боғи Эдем" номли кинони суратга олиб, экранларга чиқаргач, сайёҳ ва тарихчилар Эдемга қараб ёпирилишса, эҳтимол.

Балки, Сандерснинг фикрлари ўшанда ўз исботини топар...

ТАТИМАГАН БАЛИҚ ОВИ

Балиқ овини хуш кўрадиган эстониялик хоним Лейда қайиққа утирди-да, Кихна ороли бўйлаб ўз саргузаштларини бошлади. Кутилмаганда шамол кўтарилиб, ёмғир шаррос қуйди. Қайиқ номаълум ёққа қараб сузиб кетди. Тўлқинлар бағридаги қайиқ деярли икки кеча-кундуз балиқчи аёлни у ёқдан бу ёққа судради.

Тўфонларга ҳали умри бино бўлиб, дучор бўлмаган Лейдани худо фалокатдан асради. Лекин у бегона мамлакатга келиб қолган эди, яъни Латвиянинг Берзиньш қишлогига.

Қардошлар балиқ ови туфайли бу ерга адашиб келиб қолган аёлни парваришлаб, овқатлантириб ва ўзига келгач, Эстониядаги жўнатишди.

Яхшиликнинг бўлгани яхши...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

УЧ ВАКИЛ УЧ МЕДАЛ БИЛАН

Шимолий Ирландияда бокс бўйича ниҳоясига етган жаҳон чемпионатида Руслан Чагаев украиналик О.Мазикинни финалда мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Яна икки вакилимиз — Ў.Ҳайдаров (кумуш) ва Ш.Ҳусанов (бронза)лар ҳам яхши натижа кўрсатиб, ёруғ юз билан юртимизга қайтди.

КУЧЛИ БЎЛА ТУРИБ

Мағлубиятга учраган "Пахтакор" клуби 15-тур учрашувини турлича талқин қилиш мумкин. "Нефтчи" турнир жадвалидаги мавқеини мустаҳкамлаб олган бўлса-да, кўпроқ омадли эканликлари боис ғолиб бўлаётгандек. Лекин мухлисларнинг аксарияти Георгий Забиров маҳоратигина "Нефтчи"ни тутиб турганини айтишмоқда.

ФАРАНГЧА ҲИСОБ

Конфедерациялар кубоги учун ўтказиладиган футбол мусобақаларининг финалида Франция терма жамоаси Япония термаси устидан фарангча ҳисоб — 1:0 билан ғалаба қозонди. Ягона тўпни ўйиннинг 29-дақиқасида дарвозага йўллаган Патрик Виейранинг ушбу голи йилнинг "энг чиройли голI"и бўлса, ажабмас.

ТАНҚИД УЧУН ЖАРИМА

"Милуокки Бакс" баскетбол клуби мураббийи Карл ва жамоа юлдузи Алленлар МБАнинг расмий аъзоларини асоссиз танқид қилгани боис жами 35 минг доллар миқдоридаги жаримага тортилган. Бу ўша "Филадельфия—76" клубининг финалга "чиқарилиши" учун интилишлар ҳосиласи эди.

"BP MASTERTON TROPHY"

мукофоти учун уч нафар ветеран хоккейчи — Адамс, Кевин, Рей даъвогарлик қилмоқда. Бу мукофот ҳар йили спортнинг шу турига "энг содиқ" ва "энг ибратли" деб топилган ўйинчиларга берилади. Ғолиб 14 июнь куни Торонто шаҳрида маълум бўлади.

ҲОМИЙЛАР ЭЪТИБОРИ КЕРАК

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси таркибидаги шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари қошида болалар оромгоҳларини ташкил этиш ва очиш бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари саъй-ҳаракати билан бу йилги дам олиш мавсумида вилоят бўйича 2500 нафар болалар 3 босқичда оромгоҳларда дам олишади. Хусусан, вилоятнинг Навоий, Кармана, Нурота, Учқудуқ, Томди туманлари ва Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимлари ва ҳомий ташкилот раҳбарларининг жонкуярлиги туфайли болалар оромгоҳлари ўз вақтида таъмирдан чиқарилиб, болажонлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Бироқ ҳали айрим жойларда муаммолар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Кармана туманидаги 5-ўрта мактаб қошида ташкил этилган "Ғунча" болалар оромгоҳида I босқичда 50, мавсумда 150 нафар ўқувчи дам олади. Ҳомий ташкилот "Ўзэлектроремонт" корхонаси (раҳбари Убайдулло Бурхонов) ҳисобланади. Бу ташкилот мактаб ва оромгоҳ таъмири учун айтарлик иш қилган эмас. Шу боис, оромгоҳнинг очилишига тайёргарлик кечиктирилмоқда. Бу ҳақда Навоий шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси (раиси Усмон Йўлдошев), ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмас эди. Ёки Нурота туманидаги оромгоҳларнинг айримларида спорт жиҳозлари етишмайди.

Хуллас, ҳар бир ҳомий ташкилот раҳбарлари ва тегишли мутасадди кишилар бу борада жиддий бош қотиришларига ҳам тўғри келади.

Ўткир ПЎЛАТ, Нодира ХОЛМИРЗАЕВА, Навоий вилояти

«МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА»ГИ 45-ДОВОН

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг — "Маърифат йўлида" газетаси чинакам маърифат йўлидадир. Ушбу эзгу хизмат йўлини тутганига бугун 45 йил бўлган бу нашр ўтган давр ичида талаба-ёшлар хизматида, уларнинг қувончу дарди билан бирга. 45 йилдан бери ёшларни эзгу йўл сари йўналтирувчи маёқ.

Атоқли шоир Мақсуд Шайхзода бу газетага асос солганлардан бири саналади. Мазкур газетага турли йилларда Зуҳриддин Нуриддинов, Муҳаммад Давлетшин, Раҳматулла Жигитов, Назрулла Бекназаров, Ҳаким Ҳомидий, Козим Умаров, Асил Рашидовлар муҳаррирлик қилганлар. Айни пайтда Мамасоли Жумабоев раҳбарлигида нашр қилинаяпти. "Маърифат йўлида" газетаси бугунги кунда республикага таниш бўлган бир қатор олимларнинг ҳаёт зинасидаги дастлабки поғоналари бўлиб хизмат қилган. Жумладан, академиклар Э.Юсупов, А.Асқаров, адабиётшунос олимлар Ҳ.Ҳомидов, П.Шермуҳамедов, тарихчи-олимлар М.Турсунов, А.Охунов, А.Набиев, М.Исҳоқов, педагог-олимлар Р.Мавлонова, К.Ҳошимов, С.Матжонов, Ж.Ҳасанбоев, О.Тўраева, О.Ҳасанбоева, физик-математик олимлар Т.Тўлаганов, А. Абдуқодиров, А.Бойдадаев, А.Ҳикматовлар дастлабки мақолалари билан ушбу газетада "пишган"лар.

Ўткир Рашид ташкил қилган "Чашма" тўгараги эса ёш ижодкорлар — ниҳолларнинг газета орқали "сув ичиб", баҳраманд бўлишларини таъминлаб келмоқда. Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон ва улардан кейинги кўплаб авлод шоирлари ҳам дастлаб "Чашма"дан баҳра олиб улғайган ижодкорлардир.

—Газетамизда, асосан, аълочи, жамоатчи талабалар ҳақида, уларнинг ўқиш ва турмушдаги ютуқлари, аъло ўқишнинг сирлари, тажрибалар тўғрисида мақолалар бериб борамиз,—дейди газета муҳаррири М.Жумабоев. — Шунингдек, газетамиздан талабалар уйлари, у ердаги ҳаёт, дарс, давомат, ўзлаштириш, яратилаётган дарслик, қўлланмалар, ўқитувчи ва талабанинг бурчи, университет ҳамда республикамиз ҳаёти ҳақидаги доимий мақолалар ҳам ўрин олади.

Йиллар ва йўллар... Бугун қирқ бешинчи баҳорини қаршилаган бу нашр билан юзлашиб турганларга эллигинчисида, олтмишинчисида, юзинчисида-да дийдорлашиш насиб қилишини истадик. Зеро, ёшларни эзгулик йўли — маърифат йўлига етаклашдаги ҳаракат ҳеч кимни чарчата олмайди. Ахир, Маърифат йўли чексиз-ку...

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти жорий йилнинг июль-август ойларида чоп этиш учун тайёрланаётган қуйидаги китоб ва рисолаларни нашр қилиш бўйича тендер-танлов эълон қилади:

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" (тажрибавий қўлланма)	— 185 бет.
"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" (ўрта махсус касб-ҳунар лицейлари учун тажрибавий дарслик)	— 190 бет.
"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" (амалий машғулотлар тўплами)	— 90 бет.
"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" (изоҳли кўргазмали воситалар тўплами)	— 80-бет.
"Миллий истиқлол ғояси": асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар» (изоҳли луғат)	— 195 бет.
Ғоя ва мафкура тушунчалари: мазмуни ва шакллари	— 21 бет.
Инсоният тарихи — ғоялар тарихидир	— 24 бет.
Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси	— 25 бет.
Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар	—21 бет.
Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар	— 21 бет.
Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият	— 32 бет.
Тараққиётнинг ўзбек модели	— 22 бет.
Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва мазмуни	— 23 бет.
Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари	— 22 бет.
Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари	— 23 бет.
Эзгу ғоялар: Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик	— 35 бет.
Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари	— 22 бет.
Ғоявий тарбиянинг усуллари ва йўллари	— 22 бет.
Миллий истиқлол ғояси: 7, 8, 9-синф ўқитувчилари учун қўлланма	— 86 бет.
Ғоя: Инсон ва замон (саволлар ва жавоблар)	— 72 бет.

Тендер-танловда қатнашиш ёки ушбу китоб ва рисолаларни харид қилишни хоҳлайдиганлар шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Республика Файласуфлари миллий жамияти, 700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5. Телефон: 139-17-31.

Ҳар йили Андижон вилоятидаги халқ таълими бўлимлари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ўртасида "Ўрнак" теннис турнирини ўтказиш анъанага айланган.

Шу ҳафта вилоят болалар ва ўсмирлар теннис мактабида 6-анъанавий "Ўрнак" турнири бошланди. Турнирнинг тантанали ўтишида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Мирзаев қатнашди.

Шундан сўнг мусобақаларга старт берилди. Булоқбоши тумани, Қорасув шаҳри, Хонобод шаҳри ва Андижон тумани халқ таълими бўлими мудирлари турнирнинг илк мусобақаларини бошлаб бердилар.

О.СИДДИҚОВ

"ЎРНАК" ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

КУЙГА ОШИҚ ҚАЛБ

Ривоят қилишларича, Оллоҳ яратган ўн саккиз минг сирли олам ичида энг ғаройиби бўлган инсон дунёга келар экан, унга жон мусиқа орқали сингдирилибди. Шундан буён инсон ўз ҳаётини мусиқасиз тасаввур эта олмайди. Зеро, куй-қўшиқ кишига чексиз эстетик завқ бериши баробарида унинг қалбида ажиб ҳис-туйғу уйғотадики, у инсонни доимо эзгуликка чорлайди. Шу боис бўлса керак, асрлар мобайнида отабоболаримиз фарзанд тарбиясида мусиқа илмига алоҳида эътибор билан ёндашганлар. Зотан, мусиқага, куй-қўшиққа ёшлигиданоқ ошно бўлган инсоннинг ҳеч қачон кўнглига адоват, қўлидан ёвузлик келмайди.

Бугун боболар томонидан айтилган ушбу фикрларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини республикамизнинг турли мусиқа даргоҳларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг фикр-ўйлари мисолида ҳам билиб олишимиз мумкин. Албатта, бунда ушбу даргоҳ мураббийларининг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. Чунки оддий бир буюмдан инсон қалбини ром этувчи куй чиқариш, уни ёшларга ўргатиш фидойилик талаб қилади. Шу нуқтаи назардан бу гал сизга мусиқа сир-синоатларини ёшларга фидойилик билан ўргатиб келаётган пойтахтимиздаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ўқитувчиси Бахтиёр Зияев ҳақида сўзлашга қарор қилдик. У киши, мана йигирма йилдирки, ўқитувчилик касбини эъзозлаб, ёш мусиқа ихлосмандларига мусиқа асбобларининг дутор-бас турларини ўргатиб келадилар.

— Мусиқа илми шуниси билан менинг меҳримни қозонганки, — дейди муаллим, — у майин, маҳзун, шўх куйлар орқали инсоннинг барча руҳий ҳолатини ифодалаб бера олади.

Ҳа, мусиқанинг жозибаси ўзгача. Унинг яна бир сирли жиҳати борки, ҳар бир киши куйни тингларкан, миллати ёки ирқидан қатъи назар, бир хилда тушунади, изтиробга тушади, завқланади. Б.Зияевни ёшликдан ўзига оҳанграбодек тортган мусиқа куйлари балки шу жиҳати билан ҳам қалбидан муҳим ўрин эгаллаган бўлса, ажабмас. У киши 1970 йилда республикамизнинг етакчи мусиқа мактабларидан бири — Глиер номли республика махсус мусиқа мактабини тамомлаб, ўқишни Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида давом эттирди. Б.Зияев мусиқага бўлган ихлос сабабли ўқиш даврида ҳам, уни тамомлагандан сўнг ҳам юртимизда ўтказиладиган кўплаб кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, муносиб совринларни эгаллаганлар. 1983 йилдан буён эса Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида фаолият олиб бормоқдалар.

Ўтган йилларни хотирлар эканлар, устоз юртимизнинг кўплаб таниқли эстрада ва бошқа йўналишдаги қўшиқлар ижрочилари — Равшан Комилов, Рустам Ғойипов, Машраб Нишонов каби шогирдлари борлигидан ғурурланиб сўз очдилар.

Ҳа, бугун устоз бахтли. Чунки у кишининг шунча йиллик умри беҳуда кетгани йўқ. Зеро, инсон бахтини ўлчовчи асосий мезон ҳам шунда.

Дилдора МЕЙЛИЕВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 1-босқич талабаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ, навбатчи: Ботиржон ҒОФУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150. Г-2517. Тиражи 26.348. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бўрибой Сафаровга онаси **Норхол ХИДИР қизи** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ илмий бўлим мудири **Абулбоқи БАҲРОМОВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.